

2-1-2020

IMPROVING CASH ACCOUNTING AND ANALYSIS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL EXPERIENCES

B. Khakimov

Tashkent Financial Institute

U. Kholmirezayev

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khakimov, B. and Kholmirezayev, U. (2020) "IMPROVING CASH ACCOUNTING AND ANALYSIS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL EXPERIENCES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бу борада пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилига оид аҳамиятли таклифлар билдирилган. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардаги пул маблағларини чекланган ҳамда чекланмаган турларга ажратиш, пул эквивалентлари ҳамда қисқа муддатли молиявий қуйилмаларга тегишли ҳисоб варақлардаги маълумотларни аниқлигини таъминлаш борасида муаллиф ўз қарашларини баён қилган.

Калитли сўзлар: пул маблағлари, пул эквивалентлари, чекланмаган пул маблағлари, чекланган пул маблағлари, пул ва унга тенглаштирилган маблағлар, қисқа муддатли инвестициялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА

В статье изложены вопросы по совершенствованию учёта и анализа денежных средств на основе международного опыта в хозяйствующих субъектах. Даны существенные предложения относительно учёта и анализа денежных средств. В частности, авторы излагают своё мнение по разделению денежных средств на ограниченные и неограниченные виды, обеспечение точности информации на счетах соответствующих денежных эквивалентов и краткосрочных финансовых вложений.

Ключевые слова: денежные средства, денежные эквиваленты, неограниченные денежные средства, ограниченные денежные средства, деньги и приравненные к ней средства, краткосрочные инвестиции.

IMPROVING CASH ACCOUNTING AND ANALYSIS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL EXPERIENCES

Problems on developing of accounting and analysis of cash in entities activities on the basis of international experiences have been expounded in this article. Important suggestions on the matter have been given. Including, opinions on disintegrate cash into free (unrestricted) and restricted cash types as well as provide accuracy information of accounts of cash equivalents and short term investments in business entities.

Key words: cash, cash equivalents, free (unrestricted cash), restricted cash, cash and cash equivalents, short term investment.

Кириш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг жами активлари ичида энг муҳим молиявий актив бу - пул маблағлардир. Чунки, капитал айланишини дастлабки босқичи пулдан бошланади ҳамда якуний босқичи ҳам пул маблағини олиниши билан якунланади. Мазкур жараён субъектнинг бизнес фаолиятида узлуксиз давом этаверади. Демак, бизнес фаолиятини амалга ошириш учун, дастлаб пул маблағи чиқим тарзида иштирок этади ҳамда фаолият якунида унинг натижаситушум, яни кирим бўлиб пул шаклида яна хўжалик юритувчи субъектга қайтади. Капитал айланишнинг - таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш босқичларида ҳар бир босқични амалга ошириш учун ҳам етарлича пул маблағи зарур бўлади. Пул маблағини мажбуриятларга нисбатан қай ҳолатда эканлиги билан хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов имкониятларига баҳо берилади ва молиявий барқарорликнинг бошқа бир қатор муҳим кўрсаткичлар ўрганилади. Бундан мақсад бизнес қарорларини тўғри қабул қилишдир. Асосланган бизнес қарорлари эса навбатдаги фаолият самараси учун заминдир. Демак, бу борада “...пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш” ҳар бир хўжалик субъект учун долзарб вазифадир [1].

Яна бир муҳим масала. Мамлакатимиз корхоналарини ташқи бозорларга чиқиши, хорижий ҳамкорларни мамлакатимизга кириб келиши ҳам молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро даражада қабул қилинган стандартлар асосида амалга оширишни талаб қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда пул мабғлари ҳисоби ва таҳлили молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва юритиш бугунги кундаги амалга оширилиши шарт бўлган тадбирлардан бири бўлиб қолади. Айниқса, пул мабғлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишда бир қатор муаммолар борки, уларни мақбул ҳал этилиши бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий адабиётларда пул маблағи ҳисобига оид фикрлар деярли бир хил мазмун ва тартибда берилган. Улар асосан мамлакатимизда амалдаги ҳамда соҳага тегишли расмий ҳужжатларда келтирилган тушинтиришлар тарзида ёзилган [4, 299 б.; 5, 26 б.]. Миллий ҳисоб тизимимиздаги пул ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисоби таснифига кўра ҳамда ҳисоботда акс эттириш масалалари бўйича бу борадаги халқаро тажрибалардаги тартиблардан фарқ қилувчи томонларига эга.

Пул маблағларини таҳлил қилиш борасида эса мамлакатимиз олимларини қарашлари бир хил йўналишга эга [8, 736 б.; 9, 404 б.]. МДХ мамлакатларидаги соҳанинг етакчи олимларини пул маблағлари ҳисоби ва таҳлили масаласидаги фикрлари республикамиз олимларининг фикрлари билан жиддий фарқ қилмайди [6, 218 б.; 7, 85 б.; 10, 367 б.].

Бироқ, иқтисоди ривожланган мамлакатлардаги олимларнинг пул маблағлари ҳисоби ва таҳлили масаласида қарашларимолиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидаги принциплар асосида шакллантирилгани учун

уларнинг бу борадаги фикрлари миллий тизимдаги ҳисоб ва таҳлил тартибларидан фарқ қилувчи жиҳатларига эга [11, 862 б.; 12, 314 б.].

Халқаро тажрибада пул маблағларини зарур компонентлар бўйича ажратиб ҳисобот тузиш муҳимлигини ёқлаб ўз қарашларини баён қилаётган олимлар бор [13]. Чунки, мазкур ёндашув субъектларда тегишли фаолият бўйича келгусидаги пул маблағлари оқимини олдиндан башоратлаш имкониятини оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, пул маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлили масаласида миллий ҳисоб тизимидаги ҳамда халқаро тажрибалардаги фарқларни камайтириш ёки уларни бир хил шакл ва мазмунга келтиришдан мақсад ушбу объектлар тўғрисидаги маълумотларни ривожланган бозор муносабатларидаги молиявий ахборотлардан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот ахборотларига бўлган талабарига мослаштиришдир. Бу билан миллий ва халқаро майдондаги бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчиларига шакл ҳамда мазмуни бир хил бўлган, таснифи, баҳолаши ҳамда акс эттириш тартиби халқаро даражада қабул қилинган принциплар асосида ишлаб чиқилган ахборотлар тақдим этишга эришилади.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари” 140-сонли буйруғига 1-иловада, “Бухгалтерия баланси” 1-сонли шаклда, хўжалик юритувчи субъектларнинг “Пул маблағлари” қуйидаги тартибда акс эттирилиши белгилаб берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Бухгалтерия баланси - 1-сонли шаклдан кўчирма [2]

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлариваэквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900)	380		

1-сонли шаклдан кўриниб турибдики хўжалик юритувчи субъектларга тегишли пул маблағларининг барчаси тўлиқ таркибда ҳамда муайян тартибда ҳисобот даври бошига ва охирига кўрсатиб берилади. Мазкур маълумотлардан фойдаланувчилар ўз мақсадларига кўра фойдаланадилар. Хўш, бу ерда қандай муаммо бўлиши мумкин?, деган савол туғилади.

Эътибор бериб қаралса маълумотларни акс эттирилиши халқаро тажрибаларда мавжуд бўлган пул маблағларини чекланмаган ва чекланган тавсиф касб этишига кўра тасниф қилиб бера олмайди.

Таъкидлаш керакки халқаро тажрибаларга кўра хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги барча пул маблағлари улардан эркин фойдаланиш имкониятига кўра чекланмаган ва чекланган тавсиф касб этади.

Субъект ихтиёридаги пул маблағларидан хўжалик фаолиятининг турли мақсадларида эркин фойдаланиш имконияти мавжуд бўлса улар чекланмаган тавсиф касб этади.

Аммо, субъект ихтиёридаги пул маблағлари махсус мақсадларни амалга ошириш учун ажратилган ёки тайинланган бўлса улардан хўжалик фаолиятининг турли йўналишларида эркин фойдаланиш имконияти чекланган бўлади. Мазкур турдаги пул маблағи фақат тайинланган мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилади, холос.

Демак, бухгалтерия баланси шаклида пул маблағлари тўғрисида маълумотларни акс эттиришда албатта мазкур тартиб эътиборга олиниши зарур экан. Маълумотларни ушбу тартибда шакллантириш хўжалик юритувчи субъектни молиявий ҳолатини ўрганишда жуда кўп масалаларни аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, тўловга лаёқатликни аниқ ҳисоблашда.

Чекланган тавсифидаги пул маблағларидан корхонанинг барча қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланиб бўлмайди. Чунки иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия балансида чекланган тавсифидаги пул маблағлари сезиларли аҳамиятга эга бўлса, улар алоҳида моддада ажратиб кўрсатиб берилади ва унга қўшимча тушунтиришлар ёзилади.

Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобга олувчи айрим счётларнинг номланиши ва тайинланиши бизнес фаолиятида шу ном билан содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг барчасини ўзида қайд этмайди ва шакллантира олмайди. Аксинча, бир мазмундаги иқтисодий муносабатларнинг фақат айрим қисимларини ҳисобга олади, холос. Мисол учун, 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар. Ушбу 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда 5610-Пул эквивалентлари (турлари бўйича) счётида маркалар, патталар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади, деб кўрсатилган. Бироқ, амалдаги Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот (9-сонли БҲМС) номли миллий стандартида - “Пул эквивалентлари - маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли биров хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар)”, “Пул маблағи эквивалентларидан асосан инвестициялар ва бошқа мақсадлар учун эмас, балки фақат қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун фойдаланилади. Инвестицияларни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун улар эркин равишда нақд пулга айлантириладиган бўлиши ва қийматининг ўзгаришида биров хавф бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция қисқа муддатда тўланадиган бўлса, яъни харид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ичида тўланадиган бўлса, уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади,” деб кўрсатилган. Агар ушбу тушунтириш ва кўрсатмадан келиб чиқадиган бўлсак, 21-сонли БҲМС

нинг 5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётида 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётига таққослаганда кўпроқ миқдорда ва турда пул эквивалентлари мавжуд бўлади ёки мавжуд бўлиш эҳтимоли кўп. 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда хўжалик муносабатларида мавжуд бўладиган пул эквивалентларининг фақат айрим турларигина қайд этилади ва шакллантирилар экан холос. Пул эквивалентларининг чакқон ва асосий тури 5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда қайд этилар экан. Кўриниб турибдики, пул экваленти тўғрисидаги молиявий ахборот 5600-Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда қайд этилиши кўрсатилган ҳолатда, мазкур турдаги ахборот 5800-Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда ҳам қайд қилинмоқда. Ушбу ҳисоб тизимидаги счётда расмий ном билан мазмунни бир-бирларига мос келмаслик ҳолати молиявий ҳисобот тузишда, молиявий ахборотлардан тўғри фойдаланишда бир қатор қийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради (2-жадвал).

2-жадвал

Тўлов учун тайёр жами пул эквивалентларининг шаклланиш таркиби ва мезонлари¹

№	Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар	Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар счётининг таркиби	Хўжалик субъекти мутлақ тўлов қобилиятини аниқлашда иштирокига кўра пул эквивалентлари		
			Муддати бўйича		Пул маблағига тез ва осон алмашишига кўра
			Қисқа муддатли (1 ойдан 3 ойгача)	Жорий (3 ойдан 1 йилгача)	
А	Б	В	Г	Д	Ж
1.	5600 – Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар	5610 – “Пул эквивалентлари (турлари бўйича)” счётида маркалар, патгалар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади	+	-	+;-
2.	5800 – Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар	А) 5810 – “Қимматли қоғозлар”	+	-	+;-
		Б) 5820 – “Берилган қисқа муддатли қарзлар”	+	-	+;-
		В) 5890 – “Бошқа жорий инвестициялар”	+	-	+;-

Бу ерда: + - таркибига киради;
 - - таркибига кирмайди;
 +;- - бозордаги ҳолатга кўра таркибига киради (+) ёки кирмайди (-).

¹ Муаллифлар томонидан тайёрланган.

Демак, ахборотдан фойдаланувчилар пул эквивалентлари тўғрисидаги тўлиқ ахборотни кўшимча сўровлар ҳамда ҳисоб-китоблар асосида олишга мажбурлар.

Айнан шу жойда савол туғилади. Ҳисоб тизими учун қисқа муддатли инвестициялар терминида бир йил муддатдан кўп бўлмаган қимматли қоғозларга ёки уч ойда қайтариладиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни қайси бирини тушуниш керак ?

Кўришиб турибдики 5800 - Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда қайд этилган умумлашган маълумотлар ҳамда амалдаги бухгалтерия балансининг 370 сатрида тақдим қилинган ахборотда қимматли қоғозларга қилинган инвестициянинг қанчаси уч ойгача (қисқа) ёки уч ойдан бир йилгача (жорий) эканлиги ажратилиб кўрсатилмайди, шунингдек, уларнинг қайси бири ҳамда қанчаси осон пул маблағига айлана олиши ҳам номаълумлигича қолади.

Таъкидлаш керакки пул ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисоби бўйича амалдаги счётлар режаси ва ҳисобот шаклларида мазкур ҳолатлардаги каби камчиликларнинг мавжуд бўлиши бу борадаги молиявий ахборотларни тўғри ва тўлиқ шакллантирмасликга сабаб бўлади. Бу эса, ахборотдан фойдаланувчилар (ички ва ташқи) ўртасида турли талқин ва тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Пул ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобида мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида биз қуйидаги таклифларимизни билдирамиз:

1. Пул маблағларини бухгалтерия балансида акс эттиришда, албатта уларнинг чекланган ёки чекланмаган тавсиф касб этишига кўра ажратилиб акс эттирилиши керак.

2. 21-БҲМСда белгилаб берилган 5600-“Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар” номли счётни 5600-“Бошқа пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар” деб ўзгартирилиши керак. Шунда, мазкур счёт номи унинг тайинланиши мазмунига тўла мос келади.

3. 21-БҲМСда белгилаб берилган 5800-“Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар” номли счётни 5800-“Жорий муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар” деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ. Бу билан счётларни номлашда макроиктисодий тушунчалар эмас балки ҳисоб тизимининг ўзига хос хусусияти бўлган микроиктисодий талаблар эътиборга олинади. Жорий муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар мазмунига кўра қисқа муддатли (уч ой муддатдан кўп бўлмаган) жорий (уч ойдан бир йилгача муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.

Билдирилган таклифларни бухгалтерия балансида акс этиши амалда таркиб топган иқтисодий муносабатларга қуйидаги ижобий ўзгаришларни киритади:

- бухгалтерия балансида пул маблағлари моддалари бўйича шаффофлик янада ортади. Яъни, ахборотдан фойдаланувчиларга пул маблағлари бўйича кўпроқ ва тушунарли маълумотлар олиш имконияти пайдо бўлади;

- пул маблағлари моддалари бўйича миллий бухгалтерия балансида бериладиган ахборотлар халқаро ҳисоб тизими талабларига уйғунлаштирилади;

- корхоналар молиявий ҳолати таҳлилда пул маблағлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар ва коэффициентларни аниқ ҳисобланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга;

- хорижий инвесторлар ёки бошқа ахборотдан фойдаланувчиларга пул маблағлари бўйича берилган ахборотларни тушуниши осонлашади;

- маълумотларни етарли бўлиши бизнесда ўз вақтида ишончли ва асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини оширади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. <https://lex.uz/docs/3107036>

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”. <https://lex.uz/docs/821320>

3. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

4. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:“Шарқ”, 2004. 299 б.

5. Норбеков Д.Э., Махмудов А.Н., Мухаммедова Д.А. Бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.:“Иқтисод-Молия”, 2018. 26 б.

6. Гетьман В.Г., Керимов В.Э., Бабаева З.Д., Неселовская Т.М. Бухгалтерский учет. Учебник.-М.: Инфра-М, 2012. 218 с.

7. Вещунова Н.Л. Бухгалтерский и налоговой учет. Учебник. -М.: Проспект, 2009. 85 с.

8. Рахимов М.Ю., Қаландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.; “Iqtisod-Moliya”, 2019. 73 б.

9. Сагдиллаева З., Чориев И., Махмудов А., Юлдашева У. Касб-ҳунар коллежлар учун дарслик. -Т.; “Iqtisod-Moliya”, 2017. 404 б.

10. Вахрушина М.А., Пласкова Н.С. Анализ финансовой отчетности: учебник.-М.: Вузовский учебник, 2008. 367 с.

11. Lavrence Revsin, Daniel W. Collins, W. Bruce Johnson. Financial reporting

and analysis. Prentice Hall, Inc. Simon & Schuster / Aviacom company. (USA) 1999. 862 p.

12. Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 314p.

13. Shadi Farshadfar, Reza Monem. Further Evidence on the Usefulness of Direct Method Cash Flow Components for Forecasting Future Cash Flows. The International Journal of Accounting. Volume 48, Issue 1, March 2013, Pages 111-133. <https://doi.org/10.1016/j.intacc.2012.12.001>